“Фарғона НҚИЗ” МЧЖнинг 2020 йил 15 май кунги 352-сонли ва 2020 йил 7 июль кунги 502-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида “Коронавирус” инфекцияси билан касалланишни олдини олиш бўйича «Фарғона НҚИЗ»да меҳнат жараёнида ташкил қилинган ва бажарилаётган профилактик ишлар бўйича

М А Ъ Л У М О Т

09.10.2020 йил Фарғона шаҳри

1. “Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2020 йил 24 мартдаги 120-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақасдида, “Фарғона НҚИЗ” МЧЖнинг 2020 йил 27 март куни 225-сонли, 2020 йилнинг 15 май кунги 352-сонли буйруғи ва 2020 йил 7 июль кунги 502-сонли буйруқлари юзасидан “Коронавирус” инфекцияси эпидемияси билан касалланишни олдини олиш бўйича дезинфекция ишлари олиб бориш жадвали ишлаб чиқиб тасдиқланди ва жадвал асосида бажарилаётган ишлар назорати кучайтирилди.

2. Шунингдек, заводнинг асосий кириш-чиқиш постида масофадан туриб ҳарорат ўлчаш ишларини ташкил қилиш учун 1 дона стационар (Медицинский тепловизор стационарный MED03) ва 7 дона портатив масофадан ҳарорат ўлчаш асбоблари, 35 дона махсус тиббий ҳимоя комбенизони ва 20 дона дезинфекция суюқлигини пуркаш воситаси билан пуркаш, ишчи- ходимларни саломатлигини текшириш, ҳароратини ўлчаш профилактик кузатув ва дезинфекция ишлари цехларда тасдиқланган жадвал асосида давом эттирилмоқда.

3. Пандемия даврида қилинган ишлар:

- Ишчи ходимларга тарқатилган тиббий ниқобларга қўшимча захира 20 000 тага буюртма берилди.;

- Дезинфекция қилинаётган транспорт воситалари сони 99 та;

- Дезинфекция қилинаётган маъмурий ва маиший бинолар сони 53 та,

  шундан ошхоналар сони 8 та;

- Соғломлаштириш пункти буюртмасига асосан олинган хлорли эритма (ЖавельДБГ-0,015%)дан заводнинг барча цехларига ва бўлимларига ишчи-ходимларнинг қўллардаги инфекцияларни зарарсизлантириш учун талабнома асосида 10-цех томонидан антисептик воситалар тайёрланиб тарқатилмоқда.

4. “COVID-19” инфекцияси ҳамда унинг тарқалишини олдини олиш бўйича завод барча цехлари орасида мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилиб, далолатномалар тузилмоқда.

5. Заводнинг ишлаб чиқариш ва маиший хизмат биноларини доимий 0,5%ли хлорли дезинфекцияловчи эритманинг тайёрланиши ва ишлатилиши назоратга олинган ва фаррошлар билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

6. Заводнинг ишлаб чиқариш ва маиший хизмат биноларини, ишчилар гавжум бўладиган жойлар(автобекатлар, пиёда йўлаклари ва ҳ.), ҳафтада бир маротаба (тасдиқланган жадвал асосида) 3%ли хлорли дезинфекцияловчи эритма билан ишлов бериш тасдиқланган жадвал асосида ўтказилмоқда.

7. Махсус вахта автобуслари ҳамда одамларни ташиш учун мўжалланган автотранспорт воситаларини ҳар сменадан кейин 0,5%ли хлорли дезинфекцияловчи эритма билан ишлов берилиши текширилиб, кейингина йўналишга қўйилмоқда.

8. Ишчилар овқатланиш бўлимининг хизматдаги ишчи-ходимларнинг(140 нафар ходим) тиббий кўрик дафтарчалари мавжуд. Ишчи-ходимлар ўз муддатида тиббий кўрикдан ўтишлари назоратга олинган.

9. Ишчилар овқатланиш жойлари (1,2,3,4/1,4/2,6,7- ошхоналар, иш жойида овқатланадиган ишчилар овқатланиш жойлари), ошхонадаги ишлатиладиган идишлар ва жиҳозларни хлорли эритма билан ювилиши, ишчилар гавжум бўладиган жойлар (автобекатлар, пиёда йўлаклари ва ҳ.), назорат ўтказиш постлари, ювиниш-кийиниш хоналарининг санитар –гигиеник ҳолати устидан назорат кучайтирилди.

10. Ишчи-ходимлар учун тайёрланаётган овқатлардан домий кунлик намуна олиниб, органолептик текширувда ўтгандан сўнг истеъмол учун рухсат берилмоқда. Заводга олиб келинаётган хом гўшт ва сут маҳсулотларининг сифати бўйича шаҳар ветеринария бўлими истеъмолга яроқлилиги хулосаси асосида қабул қилинмоқда.

11. Вирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида қўлларни тез-тез ювиш ҳамда қўл ювиш жойларини хўжалик совуни билан таъминлаш, тасдиқланган қўл ювиш эслатмаси, барча қўл ювиш жойларига қўйилди.

12. Корхона ишчи-ходимларини ҳимояловчи юз ниқоблари билан тўлиқ таъминланди. Ишчи-ходимларнинг доимий равишда юз ниқобларида юриши, антисептик воситалар билан барча цех ва бўлимлар таъминланиши назоратга олинган.

13. Завод ҳудудига киришда ўрнатилган тепловизор *(MED03)* орқали ишга келган ишчиларни тана хароратини ҳамшира томонидан текширилиб, ишга киришга рухсат этилмоқда. Бугунги кунгача тана ҳарорати кўтарилган беморлар аниқланмади. Ҳарорати кўтарилган бемор аниқланса, бемор изоляция хонасида сақланиши бўйича чоралар кўрилган.

Бемор турган ҳудуд ва жойлар тўлиқ дезинфекция қилиниши, шаҳарнинг “биринчи тез тиббий ёрдам” кўрсатиш бўлими чақирилиб, текширув учун юборилиши, 1 соат вақт давомида ҳудудга ҳеч ким қўйилмаслиги бўйича кўрсатмалар берилган. (Ўз.Рес.Вазирлар Маҳкамасининг 23.03.2020 й.кунги 4-сонли қарори 3-илова).

Соғломлаштириш маскани

врач терапевти: Ў.М.Умарова

Коронавирус бўйича Врач маслаҳатлари:

1. Вирус ўлчами бўйича йириккина (ячейка диаметри 400-500 нм), шу сабабли оддий тиббиёт маскаси уни фильтрлай олади. Агар вирус юқтирган киши аксирса ёки сиздан 3 метргача наридан ўтса вирус уча олмайди, ерга тушади.
2. Агар вирус металл сиртга тушса у камида 12 соат яшайди. Шу сабабли қандайдир металл сиртга қўлингиз теккан бўлса, совунлаб яхшилаб ювинг.
3. Вирус мато устида 6–12 соат мобайнида фаол бўлади. Оддий кир ювиш кукуни вирусни ўлдира олади. Қишки кийимларни шунчаки офтобда қуритиб, вирусни ўлдириш мумкин.

Коронавирус томонидан чақириладиган зотилжам касаллиги аломатлари:

1. Вирус томоққа ўтгач, томоқ худди ангинага чалингандек қуриши мумкин. 3–4 кун давом этади.
2. Шундан сўнг вирус бурун суюқлиги билан қоришиб, трахеяга ўтади, сўнгра ўпкага ўтиб, ўпка шамоллашини келтириб чиқаради. Бу жараён 5–6 кун вақтни олади.
3. Коронавирусли зотилжам чоғида юқори тана ҳарорати ва нафас олиш қийинлашиши кузатилади. Буруннинг битиши одатдагидек бўлмайди, одам худди сувда чўкаётгандек ҳиссиёт пайдо бўлади. Бу ҳолатда дарҳол врачга мурожаат қилиш керак.

Касаллик профилактикаси:

1. Вируснинг юқтириб олишнинг энг кенг тарқалган тури — инсонларга тегиниш, шу сабабли қўлни тез-тез ювиб туриш керак. Вирус қўлингизда 5–10 дақиқа яшай олиши мумкин, бироқ шу қисқа муддат ичида ҳар нарса бўлиши мумкин (сиз кўзингизни ишқалашингиз, бурнингизга тегинишингиз мумкин).
2. Микробни йўқотиш ёки унинг таъсирини камайтириш мақсадида қўлни тез-

тез ювиб туриш билан бирга, у ҳали оғиз бўшлиғида бўлса ўпкага ўтишининг олдини олиш учун сиз томоқни Бетадин билан ғарғара ҳам қилишингиз мумкин.

Ўзингиз ва оилангизни вирусдан асранг. Асосий қилиниши керак бўлган ишлар:

1. Қўлни ювинг, совунлаб, 20 сония давомида. Совунлаб ювилган қўлга антисептик ишлатиш шарт эмас;
2. Юзингизга тегманг. Ифлос қўллар билан юз ва кўзларга тешиш орқали вирусни юқтириш мумкин экан;
3. Мазангиз бўлмаса кўчага чиқманг.

Мана шу уч қадамни бажаришни барча ривожланган давлатлар ҳукуматлари ва олимлар таъкидлашмоқда.

Жуда эҳтиёт бўлинг ва кўпроқ қайнатилган сув ичинг.